ТУРЛИ СИСТЕМАДАГИ ТИЛЛАРДА КЕЛИШИКЛАР СЕМАНТИКАСИ

(немис ва ўзбек тиллари мисолида)

Н.М.Қамбаров, А.Х.Қодиров, Д.А.Юсупова

В статье осуществлена попытка сравнительного анализа падежных значений и средств их выражения немецкого и узбекского языков.

This article describes the meaning of cases between German and Uzbek languages and it is made comparative analysis of their expressive means. It was shown specific features between these languages.

Келишик категорияси грамматик категориянинг асосий, марказий элементларидан бири ҳисобланади. Келишик категорияси маъноси муайян шароитда маиший тасдиқ ва маиший инкор гапларда қўшимча ахборот, яъни пресуппозиция ташийди.

Келишик категорияси бирликлари ўзаро тенг қимматга эга бўлган, муайян имконият билан юзага қалқиб чиқувчи парадигмада туради. Шу парадигма аъзолари ўзаро грамматик-семантик вариантларда маълум позицияда кучли ёки кучсиз оппозицияга киришади. Мана шу оппозиция парадигма аъзоларининг ўзаро тенг қимматга эга эканлигини кўрсатади.

Турли системадаги тилларни структурал-типологик планда текшириш ҳозирги замон тилшунослигиниинг актуал муаммоларидандир. Биз муаммога қўл урар эканмиз, бир қатор муҳим масалаларни ҳал этган бўламиз. Булар: умумий тилшунослик муаммоларига алоқадор ва тилдаги ўхшаш ва ноўхшаш томонларини очиб берувчи типология масалалари, турли шакл ва кўринишдаги билингвизм масалалари амалий лингвистика ва дидактик аҳамиятга эга бўлган ҳамда тил ўқитиш методикасини амалий асосга қўйишни таъминлайдиган лингводидактика масалаларидир.

Структурал-типологик тадқиқотларнинг оммавий тус олган объекти грамматик категорияларнинг формал кўрсаткичларини яққол ифодаловчи морфологиядир. Лекин бу соҳадаги механик чоғиштирувлар керакли натижани бермайди. Морфология ва синтаксисни биргаликда узвий боғлиқ ҳолда текширишгина турли системадаги тилларнинг ўзига хослигини очишга ёрдам беради. Бу нарса, айниқса, морфологик кўрсаткичлар воситасида мураккаб синтактик функцияларни бажарувчи категорияларга тегишлидир. Шундай категориялардан бири келишик категориясидир. Келишикдаги ўзгаришларнинг йиғиндиси турли системадаги тилларда бу ҳусусият фақат морфологик жиҳатдангина эмас, балки семантик-синтактик жиҳатдан ҳам кучлироқдир. Бу фарқ, айниқса, агглютинатив тиллар билан флектив тиллар орасида жуда кучлидир. Шу жиҳатдан буни ўзбек ва немис тилларида чоғиштириб кўриш мумкин. Бунга кўра:

Немис ва ўзбек тилларида бош келишик шахс, предмет ёки ҳодиса номларини ифода этади*: der Mensch, die Zeit, das Haus –одам, вақт, уй.*

Бош келишикдаги сўз гапда эга вазифасини бажаради. Маълумки, немис тилида боғлама вазифасини бажарувчи *sein, werden, bleiben, heissen* каби ёрдамчи феъллар ўзбек тилида йўқ. Немис тилида от-кесим ҳамма вақт боғлама билан қўлланади: *Er ist Student - У талаба.*

Немис тилидаги от *als* ва *wie* боғловчилари ёрдамида қиёсланганда бош келишикда қўлланади. *Er ist älter als mein Bruder.* Бу ҳолат ўзбек тилида жўналиш келишиги ёки чиқиш келишиги ёрдамида берилади. *У менинг акамга қараганда каттароқ. У менинг акамдан каттароқ.*

Немис тилида бош келишик предлогсиз, ўзбек тилида эса кўмакчи билан қўлланади. Ўзбек тилида бош келишигидаги от ва кўмакчи билан ифодаланган маъно немис тилида бошқа келишик орқали ифода этилади. Масалан: *ўқитувчи учун* (бош келишик)-*für den Lehrer* (тушум келишик), *бола учун* (бош келишик)-*für das Kind* (тушум келишик).

Немис ва ўзбек тилларидаги бош келишик формали келишик деб ҳам юритилади.

Бош келишикдаги от изоҳловчи (die Apposition) бўлиб ҳам келади. Масалан: *der Lehrer Schmidt-ўқитувчи Шмидт, Peter der Erste- Пётр биринчи, Generalsekretär Kurt Thime- генерал секретар Курт Тайм* каби.

Ўзбек тилида ҳам бош келишик шу вазифани бажаради: *Ўқитувчи Қодиров.*

Қаратқич келишиги асосан, мансублик маъносини билдиради. Унинг гапдаги синтактик вазифаси аниқловчи бўлиб қўлланишидир: *die Brille des Vaters ist neu-Отамнинг кўзойнаги янги.*

Немис тилида қаратқич келишиги белгили ва белгисиз бўлади. Мужской ва средний родга оид отларнинг қаратқич келишиги белгили бўлади: *die Luft des Frühlings (баҳорнинг ҳавоси), das Spielzeug des Kindes (боланинг ўйинчоғи).*

Женский родга оид отларнинг қаратқич келишиги белгисиз бўлади: *das Kleid der Frau (аёл кийими).*

Ўзбек тилида ҳам немис тилидагидек, қаратқич келишиги белгили ва белгисиз бўлади. Масалан: *дарахтнинг барги (дарахт барги), баҳорнинг шамоли (баҳор шамоли).*

Немис тили қаратқич келишигида келган отнинг асосий вазифаси бошқа отни аниқлаб беришдир. Қаратқич келишигидаги от билан бирга келган от ўртасидаги муносабат қарашлиликни англатади. Лекин, икки от орасидаги мансублик уларнинг мазмунига кўра турлича бўлади.

Жўналиш келишигининг асосий функцияси гапдаги воситали тўлдирувчини ифода этишдан иборатдир.

Жўналиш келишиги грамматик-семантик кучли позицияда келишик парадигмасининг барча аъзолари билан оппозицияга киришади ва субъект, объект маъноларини ифодалайди, хусусан, субъект маъноси: ҳолат, белги ташувчи, эгалик қилиш, қабул қилиш, идрок қилиш, мажбурийлик, баҳолаш тематик субъект маъноларини ифодалайди.

Жўналиш келишиги грамматик-семантик кучсиз позицияда ўрин келишигининг ҳолат, ўрин, пайт, ҳаракатнинг бошланиш ўрни, тушум келишигининг ҳаракатнинг тўлиқ қамрови объекти маъноси билан, қаратқич келишигининг бутун-қисм маънолари билан оппозицияга киришади.

Тушум келишиги шакли тўлдирувчи вазифасида келиб, ҳаракатнинг тушум келишигидаги сўз билдирган объектга йўналганини кўрсатади.

Немис тилида феъллар тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилиш ёки талаб қилмаслигига кўра, ўтимли (транзитив) феъллар ва ўтимсиз (интранзитив) феълларга бўлинади. Ўтимли феъллар тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилади. Ўтимсиз феъллар ўзидан кейин тушум келишигидаги тўлдирувчини талаб қилмайди. Масалан: *schreiben (ёзмоқ), lesen (ўқимоқ), sitzen (ўтирмоқ) ва stehen (турмоқ)* каби феъллар ўтимсиз ҳисобланади.

Кўп ҳолларда тушум келишигидаги от предмет ёки шахсни ифодалаб келганда жўналиш келишиги билан бирга қўлланади: *Ich will dir meine Arbeit zeigen.*

Бу ҳолат ўзбек тилида ҳам бор: *Мен сенга ўз янги ишимни кўрсатмоқчиман.*

Немис тилида бирдан ортиқ тушум келишиги ҳам қўлланади. Ўзбек тилида бу ҳолат йўқ. Шу сабабдан немис тилида бирдан ортиқ тушум келишигида ишлатилган сўзларни ўзбек тилга таржима қилинганда немис тилидаги икки тушум келишиги ўрнига тушум ва бош келишиклари ишлатилганини кўрамиз. Масалан: *Sie nannten ihn einen Künstler – Улар уни рассом деб атадилар.*

Демак, тушум келишигининг бирдан ортиқ қўлланиши немис тилига хос бўлган грамматик ҳолатлардан биридир.

Ўзбек тилида кўриб ўтилган келишиклардан ташқари яна ўрин ва чиқиш келишиклари ҳам бор.

Ўрин келишиги гапда иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрнини билдиради; предметнинг ўрнини (жойини) англатади; пайт маъносини англатади; бирор ҳаракат ё ҳолатнинг нима бўйича, нима жиҳатдан эканлиги ифодаланади; ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предметни билдиради; бирор шахс, предметнинг нима билан шуғулланиши, бандлигини билдиради.

Ўрин келишигидаги от гапда тўлдирувчи *(Султонда китоб кўп)*, ўрин ҳоли *(Мажлис спорт залида бўлади)*, пайт ҳоли *(ёзда келади, қишда кетади)*, равиш ҳоли *(У тил учида сўзлади)* ҳамда пайт эргаш гапларнинг кесими бўлиб келади.

Немис тилида ўрин келишиги айнан йўқ, лекин бу келишик немис тилида предлоглар ёрдамида ифодаланади. Ўрин келишиги ифода этадиган юқоридаги маънолар немис тилига қуйидагича берилади:

1) иш-ҳаракатнинг бажарилиш ўрни, маъноси *-in* предлоги орқали ифода этилади: *In Taschkent baut man neue Häuser* – Тошкентда янги уйлар қурилмоқда.

2) предметнинг ўрни (жойи) маъноси *-in* предлогининг аниқ артикль билан қўшилган формаси ёрдамида ифода этилади: *Im Garten gibt es viele Früchte – Боғда мевалар кўп.*

3) пайт маъносини англатади: *Im Sommer fahre ich nach Deutschland – Ёзда мен Германияга кетаман.* Бу ерда ҳам пайт маъносини англатадиган ўрин келишигидаги сўзнинг маъноси немис тилига *in+dem=* от *(im Sommer)* шакли ёрдамида берилади.

4) бирор ҳаракат ё ҳолатнинг нима жиҳатдан эканлиги ифодаланади. Ўрин келишигининг бу шакли ҳам немис тилида ўзбек тилидагидек маънода қўлланади: *Mein Sohn ist ist im Lernen ein ausgezeichneter Schüler – Ўғлим ўқишда аълочидир.*

5) ҳаракатнинг бажарилишида восита бўлган предмет маъноси немис тилида жўналиш келишиги *mit* предлоги ёрдамида ифода этилади: *Ich schrieb den Brief mit dem Bleistift – Хатни қаламда ёздим.*

Немис тилида махсус чиқиш келишиги мавжуд эмас. Ўзбек тилида чиқиш келишиги *–дан (-тан)* аффикси билан шаклланади ва немис тилига *von, aus, durch (-дан), mit (билан)* предлогларининг жўналиш келишиги (Dativ) билан бирга қўлланиши орқали таржима қилинади: *Das Gebäude aus Eisenbeton - Бино темир бетондан; Der Kranke wurde vom Arzt operiert – Бемор шифокор томонидан операция қилинди.*

Ўзбек тилида чиқиш келишиги шакли қуйидаги маъноларни ифода этади: иш-ҳаракатнинг бошланиш ўрнини, келиб чиқиш жойини англатади; ҳаракатнинг бошланиш пайтини, ўтган муддатини англатади, чиқиш келишигидаги сўз *бери, кейин, сўнг, аввал, илгари* ва *бурун* кўмакчилари билан келганда ҳам пайт маъносини билдиради; чиқиш келишигидаги сўз жўналиш келишигидаги сўз билан жуфт бўлиб келганда ҳам пайт маъносини англатади; предметнинг нимадан ишланганлигини, материалини билдиради; ишда, ҳаракатда восита бўлган предметни англатади; тўдадан бирини билдиради; предметнинг қимматини билдиради; қиёс маъносини билдиради: *Бу китоб у китобдан қизиқроқ*. Чиқиш келишигининг бундай тури немис тилида сифатнинг чоғиштирма даражада ва *als* боғловчиси ёрдами билан ифода этилади: *Dieses Haus ist größer als jenes – Бу уй у уйдан каттароқ.*

Ўрин келишиги немис тилининг (Dativ) келишигида икки келишик (жўналиш ва тушум)ни бошқарадиган предлоглар ёрдами билан ифодаланади:

auf dem Tisch – столда (стол устида)
unter dem Tisch – стол остида, тагида

Чиқиш келишиги эса немис тилининг фақат жўналиш келишигида ишлатиладиган предлоглар ёрдами билан ифода этилади. Масалан:

ab ersten April – биринчи апрелдан бошлаб
außer dem Haus – уйдан бошқа
aus dem Eisen – темирдан

Лекин фақат жўналиш келишигида ишлатиладиган махсус предлогларни ҳар бирининг қўлланилиши ўзбек тилининг чиқиш келишигига мос келавермайди. Масалан: *nach, aus, von, entgegen* каби предлогларнинг ишлатилишидаги маънолари чиқиш келишиги билан мос келади:

nach der Stunden – дарсдан кейин
nach Samarkand – Самарқандга
aus dem Eisen – темирдан
von deinem Vortrag – сенинг докладингдан (сенинг докладинг ҳақида)
entgegen seinem Befehl – унинг буйруғига қарамасдан

Аммо немис тили жўналиш келишигида қўлланадиган баъзи предлогларнинг маънолари чиқиш келишиги маъносига мос келмайди. Масалан: mit ва zu каби жўналиш келишиги билан қўлланадиган предлог маъноларини таққослаб кўрайлик:

mit dem Vater – отам билан; баъзан *mit* предлоги чиқиш келишиги маъносига тўғри келиши ҳам мумкин. *Er ist zufrieden mit seiner Gesundheit – У ўзининг соғлигидан хурсанд; zu seinem Freund – ўз дўстига.*

Чиқиш келишигининг англатадиган маънолари қуйидагилардир:

Иш-ҳаракатнинг бошланиш, келиб чиқиш жойини англатади. Бу ҳолат немис тилида мавжуддир. Немис тилида предлог билан қўлланган Dativ (жўналиш)нинг маъноси ўзбек тилида чиқиш келишиги орқали ифодаланади. Масалан: *aus dem Sall – залдан; aus der Schule – мактабдан.*

Иш-ҳаракатнинг бошланиш пайтини, ўтган муддатини англатади. Чиқиш келишигининг бу маъно тури немис тилида ҳам қўлланади:

Er war vom Morgen bis zum Abend beschäftigt –

– У эрталабдан кечгача банд бўлди.

Предметнинг нимадан ишланганлигини билдиради. Чиқиш келишигининг бу маъно тури ҳам немис тилида ўз эквивалентига эга: *aus der Baumwolle – пахтадан; aus dem Eisen – темирдан; aus der Seide – ипакдан.*

Иш-ҳаракатни англатиш учун восита бўлган предметни англатади:

durch den Wald gehen – ўрмондан (ўрмон орқали) ўтиб бормоқ

durch das Fenster sehen – деразадан (дераза орқали) кўрмоқ

Тўдадан бирини, бутундан бўлагини билдиради. Чиқиш келишигининг бу маъно тури ҳам немис тилида мавжуд:

Einer von den Studenten legte seine Prüfung ausgezeichnet ab –

Талабалардан бири имтихонни аъло баҳо билан топширди.

einen Schluck vom Tee nehmen – чойдан бир қултум ичмоқ.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бу икки қариндош бўлмаган агглютинатив ва флектив тилларнинг морфологик ва синтактик сатҳларда ўхшашлик ва ноўхшашлик томонлари: ҳар иккала тилда ҳам бош келишик шахс, предмет ёки ҳодиса номларини ифода этади, немис ва ўзбек тилларидаги бош келишикни формасиз келишик деб юритилади, ўзбек тилида ҳам немис тилида ҳам қаратқич келишиги белгили ва белгисиз бўлади, тушум келишиги ҳар иккала тилда тўлдирувчи вазифасида келади.

Ноўхшаш томонлари эса: немис тилидаги от *als* ва *wie* боғловчилари ёрдамида қиёслаганда бош келишикда қўлланилади ва бу холат ўзбек тилида жўналиш ва чиқиш келишиги ёрдамида берилади, ўрин келишигидаги от гапда тўлдирувчи, ўрин холи, равиш холи бўлиб келади, аммо, немис тилида ўрин келишиги айнан йўқ, лекин бу келишик немис тилида предлоглар ёрдамида ифодаланади.

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ф. Келишик аффиксларининг генезисига доир.- ЎТА.-1961.- №5; 1962.- №4.
2. Абдураҳмонов Г., Шукуров Ш. Ўзбек тилининг тарихий грамматикаси.- Т., 1973.
3. Адмони В.Г. Синтаксис современного немецкого языка.- Л.,1978.
4. Азизов О. Тилшуносликка кириш.- Т., 1963.
5. Зиёева И.Ғ. Дательный падеж в узбекском языке. Автореф.дисс... канд.филол.наук.- Самарканд, 1966
6. Зиёева И.Ғ. Жўналиш келишиги семантикаси // Ўзбек тилининг лексик-грамматик хусусиятлари.- Т.,1976
7. Нурмонов А. –дан ташқари конструкциясининг пресуппозицияси.- ЎТА.- 1986.- №6
8. Қодиров З. Ўзбек тили грамматик категорияларини систем тадқиқ қилиш.- Филол.фан.ном…дисс. автореф. - Самарқанд, 1992
9.Jarnatowskaja V.E. Die Kategorie des Genus der Substantive im System der deutschen Gegenwartssprache, in: “Deutsch als Fremdsprache”, Moskau, 1968
10.Jarnatowskaja V.E. Das Substantiv (Ein Hilfsbuch zur deutschen Grammatik).- Moskau, 1981

Андижон Давлат университети,
2009 йил 23 мартда қабул қилинган
(Тақризчи: профессор А.Нурмонов)